

# Дам олиш оқшомида

*Бандлик*

## МЕҲНАТ БИРЖАСИ ЁРДАМ БЕРАДИ

***1992 йили қабул қилинган «Аҳолининг бандлиги тўғрисида»ги қонун Меҳнат биржалари зиммасига катта масъулият билан бир қаторда кенг ваколатлар ҳам беради. Биз аксарият ҳолларда бирон-бир сабаб билан иш қидириб юрган кишиларни ҳам учратиб қоламиз. Бундай кишилар янги иш ўрнини топгунга қадар аксарият ҳолларда кўп вақтини ҳам, асабини ҳам, куч-ғайратини ҳам кетказади...***

— Шу нарса ажабланарлики, бизнинг асосий муаммоларимиздан бири иш қидириб юрган мижозларнинг йўқлигидир, — дейди Миробод тумани меҳнат биржаси директорининг ўринбосари Ойбек Валиев. — Бундай ҳол меҳнат биржаси қандай юмушларни бажаришини билмаслик оқибатида келиб чиқади. Одамларда биржа чанг-тўзонли қурилишлардан бошқа ишни таклиф этолмайди, дейдиган фикр юради. Лекин аслида бундай эмас. Бизнинг асосий вазифамиз тайёргарлиги, ёши, ҳатто жисмоний жиҳатдан соғлиғи турли даражада бўлган кишиларни иш билан таъминлашдир. Давлатимиз кам таъминланган оилалардан бўлган кишиларни, шунингдек, ишга айниқса эҳтиёжи кучли бўлган одамларни иш билан таъминлашда ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунда меҳнат биржаларининг вазифаси каттадир.

Биржа таркибида бир қанча бўлинмалар мавжуд. Булар бозорни таҳлил этиш, ҳуқуқий ва техник инспекция бўлимлари, ишга жойлаштириш ва касбга йўналтириш бўлими, ижтимоий ҳимоя, иш билан бандлик фондини ташкил этиш ва аҳоли турар жойлари бўйича иш бўлинмалари бўлимлари шулар жумласидандир. Биржага келган мижоз ўзи ҳақидаги маълумотларни бу ерда қолдирганидан кейин у биржа эътиборида бўлади ва бизнинг мутахассисларимиз уни ишга жойлаштиришни бошлашади. Мижозга дарров унинг маълумоти ва ёшига мос келадиган бўш ўринлар рўйхати кўрсатилади. Агар у муайян тайёргарликка эга бўлмоқчи ёки малакасини оширмоқчи бўлса, биржа уни меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шаҳар бош бошқармаси ҳузуридаги ўқув марказига йўллайди.

«Агар сизга иш топиб беришмаса унда нима бўлади?», деган ҳақли савол ҳам туғилади. Ҳа, шундай ҳам бўлиши мумкин. Агар бордию биржа ўн кун мобайнида сизни иш билан таъминлай олмаса, комиссия қарори билан сизга ҳар ойда тўланадиган нафақали ишсиз деган мақом беради. Ана шу вақтда ҳам биржа сиз учун ишлашни давом эттиради. Яъни ҳар куни тўлдириб бориладиган маълумотлар асосида компьютер банкидан фойдаланиб, сизга иш қидиради.

Бундай изланиш ярим йилга яқин муддат мобайнида давом этади...

Бундан ташқари шу ерда, биржанинг ўзида ҳуқуқий инспекция бўлимида мутахассис меҳнат қонунчилиги ва сизнинг ҳуқуқларингизга таалуқли бўлган барча саволларингизга жавоб қайтаради. Техника инспекциясининг ходимлари Миробод тумани корхоналарида меҳнат шароитларига риоя қилиниши меъёрини қатъийлик билан кузатиб туришади.

— Кўпгина ишчилар ва меҳнатчилар ўз ҳуқуқлари ва қонунларни билмаганликлари боисидан мутасадди идораларга умуман мурожаат қилмайдилар, — деб давом этади Ойбек Вакилович. — Масалан, одамлар бандлик тўғрисидаги қонунда ҳар бир корхона даъвогар бўлмаган ходимдан, яъни ногиронлар, ёлғиз аёллар, қамоқдан чиққан кишилар учун етти фоиз ишчи ўринлари ажратишга мажбур эканлигини билмасалар керак. Дарҳақиқат одамлар бундан бехабардирлар. Ёки бўлмаса бошқа бир ҳолатни олиб кўрайлик. Айтайлик, корхонада икки ой мобайнида иш ҳақини беришмади. Бу қонунчиликнинг қўпол равишда бузилишидир. Шу масалани ҳозир давлатимиз ҳам қатъий назорат остига олган. Бизнинг ана шунга ўхшаш масалаларни тушунтиришга ҳам ваколатимиз бор. Бунинг учун бизда ижтимоий ҳимоя бўлими фаолият кўрсатмоқда...

Ойбек Валиев билан суҳбат чоғида меҳнат биржасида ишлайдиган ҳар бир ходим унга ўхшаб куч-ғайратли ва меҳнатсевар бўлиши зарурлигини хаёлимиздан кечирдик. Бинобарин, меҳнат биржасида ишлайдиган кишилар ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак.

Меҳнат биржасида ишлаётган мутахассислар олдида турган қийинчиликлар ҳам етарлидир. Гап шундаки, улар маълумотларнинг аксариятини ўзлари қидириб топишга мажбур бўлмоқдалар. Албатта корхоналар «Аҳолининг бандлиги тўғрисида»ги қонуннинг мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар ҳар ойда бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни бериши керак деган бандни бажармоқдалар. Хўш, унда биржа мижозларининг сони қанақа бўляпти? Бу ерда таҳлилий материалларни йиғиш бўйича мустақил ишлар олиб борилмоқда. Бунда биржа маҳаллалар билан, туман ички ишлар бўлимлари билан, туман халқ таълими бўлими ва республика «Камолот» жамғармасининг бўлимлари билан биргаликда саъй-ҳаракат кўрсатяпти.

*Саид СОЛИЕВ.*

*«Тошкентда тайёрланган»*

## «МАЛИКА»НИНГ БЕЖИРИМ ЛИБОСЛАРИ



***Иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларни тезда илғаб олиш бугунги тадбиркорларнинг ишбилармонлигига боғлиқ. Аҳолига қандай маҳсулот заруру қайсилари талабга жавоб бермаслигини чуқур ўрганиш айни кунларда «Малика» ҳиссадорлик жамиятида яхши йўлга қўйилган.***

Жамиятда 2800 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Жамоанинг асосий мақсади республикамиз аҳолисини сифатли, арзон, чидамли трикотаж маҳсулотлари билан таъминлашдир. Шу билан бирга корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга чиқариш йўлида ҳам тинмай саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Айниқса, корхонанинг тайёр маҳсулотлар қўйилган кўргазма залига кирсангиз, бу ердаги эркаклар, аёллар ва болалар учун тайёрланган трикотаж кийимлари ҳавасингизни келтиради. Чинданам бу кийимлар чиройли, бежирим, шу билан бирга сифатли — замон талабига, бозор рақобатига жавоб бера олади.

— Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси конструкторлик бўлимимизда хомаки нусхада тайёрланади, — дейди назорат бўлими бошлиғи Алишер Мубораков. — Сўнгра тикув цехи чеварлари томонидан тикилади. Албатта, бу борада конструкторлик бўлими ходимларининг ишбилармонликлари, янгиликни тезда илғаб олишлари қўл келади. Тажрибали ва билимли конструкторларимиз Ольга Кушева ва Нина Дябденьколар ўзингиз кўриб турганингиздек доимо изланишда, янги-янги замонавий кийимлар яратиш иштиёқида меҳнат қилишади.

Жамоанинг замонавий кийимлар тайёрлаш цехи бошлиғи Феруза Тўраева тайёр бўлган маҳсулотларни бизга кўрсатди: чақалоқлар иштончаси, қизлар кўйлаги, ҳамда кичик ёшдаги ўғил ва қиз болалар ич кийимлари чиройли ва бежиримлиги, пишиқ-пухталиги билан харидорни ўзига тортади, бунинг устига нархи ҳам қиммат эмас. Айниқса, бу буюмларнинг болаларнинг эътиборини тортадиган расмлар билан безатилганлиги гул солиш цехи меҳнатсеварларининг ҳам моҳир ва топқирликларидан далолатдир.



«Малика» фақат ички бозоримизни маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, ташқи бозорга чиқиш, хориждан харидорлар ва шериклар топиш йўлида ҳам изланмоқда. Бу, албатта, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишловчи корхона ўз олдига қўйган муҳим мақсад ва интилиш бўлса керак. Шу кунларда «Малика»да хорижга чиқариш учун бир туркум маҳсулотлар тайёрлаб қўйилган.

Корхона раҳбари Рустам Ғуломов бу ҳақда бизга шундай деди:

— Ҳаёт шуни тақозо қилмоқда. Энди илгаригидек бир хил қолипдаги, дўконларни тўлдириб ётадиган маҳсулотнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Шунинг учун ҳам изланяпмиз, қидиряпмиз, керак бўлса мутахассисларимизнинг малакаларини оширяпмиз. Ўйлаймизки, меҳнатларимизнинг самараси ўз натижасини беради.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: замонавий кийимлар тайёрлаш цехи бригадири — моҳир тикувчи Қория Алиохунова ана шундай чиройли кўйлакча тикиб, болаларимизни шод этади; айланма дастгоҳларнинг уста созловчиси Орифжон Ғофуржонов ўз ишининг жонкуяри саналади; йигирув цехи бошлиғи Ботир Отабоев ва бригада етакчиси Матлуба Ёқубовалар дастгоҳларнинг ишлаш мароминини кўздан кечирмоқдалар; катта тикувчи Раъно Умарова ва тикувчи Шаҳноза Камоловалар тайёр маҳсулотларни кўришмоқда.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





*Транспорт*

## ЎЗЛАРИ ТАЙЁРЛАМОҚДА

***«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида ўтган вақт давомида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг кўпчилиги давлат тасарруфидан чиқарилди. Улардан 22 нафари турли акционерлик жамиятларига айлантирилди.***

Бундан ташқари автокорхоналарни эҳтиёт қисмлар, авторезина, ностандарт асбоб-анжомлар билан тўларoқ таъминлаш масалаларини ҳал этиш мақсадида уюшмада қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Шунингдек, айрим автокорхоналар қошида йирик таъмирлаш цехлари вужудга келтирилаётир. Натижада четга сарф бўладиган маблағнинг бир мунчаси корхоналар ҳисобида қолмоқда. Мисол учун «Равшан йўл» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти асосан автобусларнинг двигателини таъмирлаб, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради. «Амир Темур» акционерлик жамияти эса «Заволжье мотор заводи» билан «ГАЗ-24» двигателларини тиклаб берувчи «Двигатель» қўшма корхонасини ташкил этди. Айни вақтда у фаолият кўрсатмоқда. «ДЭУ» автобусларига сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича марказ ҳам фаолиятини бошлаганига анча вақт бўлди.

«Мерседец-Бенц» немис фирмаси билан тузилган шартномага кўра таркиб саройини тўлдириш мақсадида янги қулай ва шинам автобуслар олинди. Уларнинг асосий қисми шаҳримиз аҳолисига ва меҳмонларига хизмат кўрсатаётир.

Шунингдек, уюшма хорижий ваколатхоналар ва сармоядорларга олий тоифадаги автомобиллар билан хизмат кўрсатиш ва уларни ижарага бериш қўшма корхонаси ҳам фаолият кўрсатиб турибди.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

*Халқ дипломатияси*

## АМЕРИКАЛИКЛАР — ОИЛАЛАР МЕҲМОНИ

Мустақил юртимиз жаҳоннинг турли мамлакатлари билан нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий-маърифий алоқаларни ҳам мустаҳкамлаб бормоқда. Жумладан, АҚШнинг THIS носиёсий жамоатчилик ташкилоти ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари ўртасидаги келишувга мувофиқ америкалик 17 кишидан иборат оилавий гуруҳлар Ўзбекистонга ташриф буюришди.

Ташрифдан асосий кўзланган мақсад ўзбек оилаларида бевосита бир неча кун яшаб, бизнинг урф-одатларимиз, анъанавий удумларимизни чуқурроқ ўрганиб ўз навбатида американликларнинг ҳаёт тарзи билан халқимизни батафсил таништириб боришдир. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, америка халқи ўзбекистонликларнинг яшаш шароити билан қизиққан экан, аввало бу минтақамизнинг жаҳон ҳамжамияти олдида эътиборли эканлигини ифодалайди.

— Мен Шарқ давлатларида жуда кўп бўлганман, аммо Ўзбекистончалик гўзал ва латофатли мамлакатни учратмаган эдим, — деди биз билан суҳбатда делегация аъзоси Марж Шенклэн хоним. — Бу ерда ҳар дақиқа кутилмаган манзаралар, янгиликларнинг гувоҳи бўляпмиз. Америкага қайтгач юртдошларимизга бу мамлакат ҳақида албатта энг яхши таассуротларимизни айтамиз. Мен жаннатмакон юртга келганимдан жуда мамнунман ва бу элда яшовчиларга соғлиқ-саломатлик тилайман.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

*Таълим*

## ЮКСАКЛАРГА ПАРВОЗ БОШЛАНАДИ

***Тошкент Давлат авиация институти бундан икки йил муқаддам Президентимиз Фармони билан ташкил этилган эди. Ўтган қисқа вақт ичида илм даргоҳида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилдики, натижада ҳозир институтимизни чет элларда ҳам яхши билишади.***

Кўплаб Шарқ мамлакатлари, жумладан Туркия, Ҳиндистон, Непал ҳамда араб давлатларидан келган талабалар ва ёш мутахассислар ҳам институтимизда таҳсил олаётганлиги бунинг исботидир.

Институтдаги тўртта факультет ва 16 та кафедрада кўплаб тажрибали профессорлар ёшларга замонавий илм сирларидан сабоқ бермоқдалар. Бу факультет ва кафедраларда олиб борилаётган ишлар ҳақида узоқ ҳикоя қилиш мумкин. Негаки, ҳаводан оғир учиш аппаратларини яратиш саноатнинг бошқа соҳалари, дейлик, автомобилсозликдан катта фарқ қилади. Масалан, бир неча ўн тонна оғирликдаги улкан самолётни лойиҳалашда қўшимча ўрнатилиши мумкин бўлган кичик қисмларнинг граммлар ҳисобидаги вазни ҳам қатъий ҳисобга олинади. Авиакоинот факультети қошида «Прогресс» илмий-техник маркази ишлаб турибди. Унда устозлар раҳбарлигида талабалар турли енгил самолётларни лойиҳалаш устида иш олиб борадилар. Малака ошириш факультетида эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ходимлари ва умуман авиация билан боғлиқ касбдаги мутахассислар ўз малакаларини энг замонавий талаблар асосида оширадилар.

Институтда фаолият кўрсатаётган «Камолот» жамоатчилик маркази илм олиш ва талабалар учун маданий дастурлар яратиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ушбу марказ қошида тузилган ҳажвий театр гуруҳи фақатгина институтда эмас, балки Миробод туманида ҳам яхши таниш. Шу сабабли турли байрам тадбирлари чоғида театр жамоаси номига кўплаб таклифномалар келмоқда. Албатта, «Камолот» жамоатчилик маркази фақат маданий тадбирлар уюштириш билангина чекланмайди. Марказ ўз ҳисоб рақамини очиш, кичик тадбиркорликни йўлга қўйишни мақсад қилиб қўйган.

АҚШнинг «Боинг» корпорацияси, Москва ва Харьков авиация институтлари, Киев халқаро фуқаро авиацияси университети ва бошқа кўплаб йирик авиаташкилотлар институтимиз билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш истагини билдирмоқдалар. Ҳа, биз ана шундай замонавий ва нуфузли институтда таҳсил олаётганлигимиз билан фахрланамиз. Ўқиш ниҳоясига етгач, ёш мутахассислар учун юксакликлар томон чин маънодаги парвозлар бошланади.

*Умида БОБОХЎЖАЕВА.*



*Анжуманлар*

## ОМАД СЕНГА, ТАЛАБА!



***Талабалик — ёшликнинг энг эсда қоларли, такрорланмас қувончга, сururга бой бўлган бир давридир. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик талабаликнинг даврини олтинга тенглайди.***

Ана шундай талаба деган шарафли номга мушарраф бўлганлар учун Ўзбекистон Миллий боғининг «Наврўз» байрам мажмуасида «Талабаликка бағишлов» тадбири ўтказилди. Сурнай навосию ноғора садолари билан барчани ўзига чорлаган бу байрам тадбири Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан уюштирилди. Унга шаҳримиздаги барча олий ўқув юртларининг 1-курс талабалари таклиф этилди.

«Талабаликка бағишлов» тадбирида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шухрат Жалилов, «Камолот» жамғармаси бошқарувининг раиси Хотам Абдураимов ва бошқалар иштирок этишиб, талаба деган улуғ номга сазовор бўлган йигит-қизларни табрикладилар. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Шухрат Жалилов қуйидагиларни таъкидлади:

— Азиз талабалар, йигит ва қизлар! Сиз бугун талаба деган шарафли номга мушарраф бўлиб турганингиз билан барчангизни муборакбод этаман. Бугунги тантананинг «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» арафасида нишонланаётганлиги ҳам даврага ўзгача шукуҳ бахш этмоқда.

Талабаларимиз Германия, Англия, Америка каби нуфузли давлатлар олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Ўйлайманки сизнинг сафингиздан ҳам ана шундай талабалар етишиб чиқади.

Шундан сўнг 1-курс талабаларининг Президент Ислом Каримовга битилган миннатдорчилик мактуби ўқиб эшиттирилди. Ва барча меҳмонлар олдида «аъло» ўқишга, юрт равнақи йўлида тинмай изланишда бўлишга тантанали ваъда бердилар.

«Талабаликка бағишлов» кечасида таниқли хонанда ва эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди. «Узмаком» ва «Кока-Кола» қўшма корхоналари концерт дастурига ҳомийлик қилдилар. Байрам тантанаси иштирокчилари «Кока-Кола» ичимликларидан баҳраманд бўлдилар. «Узмаком»нинг замонавий алоқа техникалари меҳмонлар хизматида бўлди.

Бу ердаги барча талабалар чеҳрасидан мамнунлик, талаба деган шарафли номдан ғурурланиш ифодаси яққол сезилиб турарди.

• **Наргиза Элмуродова, Тошкент молия институти:**

— Мен бу йил халқ хўжалиги институти қошидаги иқтисод лицейини битириб, институтнинг ҳисоб-иқтисод факультетига ўқишга қабул қилиндим. Ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблайман. Чунки энди мен ҳам талабаман. Бугунги кеча менда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Нола», «Ориён», «Олов» гуруҳларининг куй ва қўшиқлари жуда ёқди.

• **Шукрулло Маҳмудов, Тошкент давлат шарқшунослик институти:**

— Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридан Тошкентга ўқиш умидида келган эдим. Мактабда олган билимларим туфайли институтнинг араб тили факультетига ўқишга кирдим. Айнан шу факультетда таҳсил олишим бежиз эмас, сабаби болалигимдан араб тилига қизиқаман...

Бу каби дил тубидан чиққан ҳаяжонли фикрларни кўплаб талабалардан эшитиш мумкин эди. Кеча иштирокчиларининг барчаси эртанги нурли келажакка ишонч билан қарайдилар. Худди шу талабалар орасидан юртимизнинг Синою Берунийлари, Алишеру Бобурлари, Улуғбеклари етишиб чиқса ажаб эмас...

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

*СУРАТЛАРДА: «Талабаликка бағишлов» тадбиридан лавҳалар.*

